

«Рамазон чодир» Москва муслмонларини бирлаштирмоқда



17:55 / 30.04.2022 2330

Эрон Ислон Республикаси элчиси Козим Жалолий Москвада 29 апрель куни бўлиб ўтган “Рамазон чодир” хайрия ифторлик тадбирида, бутун дунё муслмонларини бирлашишга чақирди.

“Мен барча диндошларни бирлашишга чақираман. Бутун дунёда муслмонлар бирлашиши керак ва шундай йўл билан Ғарб мафкураси ва иккиёқлама стандартлар сиёсатига тўсиқ қўйиш мумкин. Бизнинг Қуръонимиз, Қибламиз ва Оллоҳимиз бир”, — деди элчи.

Жалоли айтишига кўра, муслмонларнинг асосий кучи – бу ирода ва бирликдир. Ғарб ҳарчанд экстремистик ҳаракатларни уюштирмасин, муслмонлар орасида низо чиқара олмайди.

“Ғарб мафкурачилари террорчи ва экстремистларни мусулмонлар номидан ҳаракат қилишга ишонтара олди, лекин дунёда мусулмонлар орасида низо чиқара олмади. Бизнинг динимиз соф ва барчани тинчлик ва яхши қўшничиликда яшашга чақиради” – деди Жалолий.

Эрон элчиси фаластин муаммоси борасида ҳам тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, Ғарбга ишонч йўқ, чунки Фаластинни эркин қилиш борасида энг юқори доираларда ўтказилган музокаралар ҳам ҳеч нарсага олиб келмади. БМТ томонидан қабул қилинган 900 дан ортиқ ҳужжатлар фақат қоғозда қолди.

“Бир куни келиб дунёдаги барча мусулмонлар Ал-Ақсо масжидида намоз ўқишга имкони пайдо бўлишига ишонаман”, - деб сўзини тугатди элчи.

Халқаро Ал-Ақсо куни – Рамазон ойининг сўнгги жума куни нишонланади. Ушбу кунни нишонлаш Эрон собиқ раҳбари Оятулло Ҳумайний ташаббуси билан, фаластин халқининг мустақиллиги учун курашига бирдамлик рамзи сифатида 1979 йилда бошланган.

Москвада турли давлатлар ва Россиянинг турли вилоятларидан келган мусулмонлар жуда кўп яшайди. Ҳар йили Рамазон ойида Хотира масжиди ҳудудида “Рамазон чодирини” номли хайрия ифторлик ўтказиш – анъанага айланган. Тадбир Москвада яшайдиган бирор мусулмон давлатлари, миллий, диний ёки бошқа уюшмалари ҳомийлигида ўтказилади. Бир кун ўзбеклар, бошқа кун тожиклар, учинчи кун татар мусулмонлари 1500 киши учун ифторлик дастурхони ёзади. Одатда, Рамазон ойи бошланмасдан туриб чодирда бўш кун қолмайди.

Ифторлик давомида ҳомий томон турли маданий ва диний тадбирлар ҳам намойиш қилиши мумкин, Қуръон тиловат қилинади, нашидлар куйлайди, танловлар ўтказилади. “Рамазон чодирини” миллати ва мазҳаби ва бошқа гуруҳидан қатъий назар – барча мусулмонларни бир хил қабул қилади. Москвада ушбу ажойиб анъана бошланганига бу йил 16 йил тўлди.

Manba: Azon.uz